

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 248 (12.309)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аъло Абдуллаев (ЎзА) олган сурат

### «Келажак овози — 2012»

## ЗАКОВАТ ВА САНЪАТ БАЙРАМИ

**Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган «Келажак овози — 2012» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.**

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлоднинг истеъдоди, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кўплаб кўрик-танловлар, санъат фестиваллари йигит-қизлар учун янгидан-янги имкониятлар ашигини очмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилаётган «Келажак овози» республика кўрик-танлови изланувчан ёшларнинг фаолияти, ижодий режалари билан атрофдаги таълим, уларни ҳаётга жорий этишга хизмат қилаётган лойиҳалардан бирidir. Ўтган йиллар давомида ушбу лойиҳада ғолиб бўлган ёшлар ўз йўналишлари бўйича ўқишни давом эттириш билан бирга, халқаро ва мамлакатимиз миқёсидаги фан олимпиадалари, санъат фестиваллари, илмий анжуманларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

2012 йилги танловда 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган қатнашчилар рационализованил тақлифлар ва техник ишланмалар, адабиёт ва публицистика, архитектура, интерьер ва ландшафт дизайни, тасвирий ва амалий санъат, либослар дизайни, фольклор ва хореография сингари номинациялар бўйича ўз маҳоратини намойиш этди. Мазкур лойиҳанинг илк босқичларида қарийб саксон минг нафар йигит-қиз иштирок этди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган саралаш босқичи жараёнида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг ёшларга оид лойиҳалари ҳақида атрофда маълумотлар берилди. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги олий таълим муассасаларида ахборот-ресурс марказлари, махсус Wi-Fi ҳудудларининг ташкил этилиши йигит-қизларнинг миллий маънавиятимизга зид ахборотлар оқимидан ҳимоялаш, уларнинг

қизиқишига мос маълумотларни етказишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

20-26 декабрь кунлари Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ёшлар ижод саройи, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Тошкент тўқимачилик ва энгил sanoat институтида танловнинг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда 650 нафар йигит-қиз ўз ижодий ишини ҳакамлар ҳайъати ва кенг жамоатчилик олдида ҳимоя қилди.

Ёшлик, шодлик, билим ва заковат байрамига айланган мазкур танлов доирасида маънавият ва маърифат масканлари, музейлар, театрлар, қадимий меъморий обидаларга экскурсиялар ташкил этилди. Етук мутахассислар, олимлар, экспертлар, маданият ва санъат намоёндалари иштирокидаги маҳорат сабоқлари, ижодий анжуманлар ёшлар билимини бойитишга хизмат қилган бўлса, концертлар, муסיқий кеча ва кўргазмалар байрамга янада ёрқинлик ва кўтаринкилик бахш этди.

Натижа қандай бўлишидан қатъи назар, мазкур танловда иштирок этган ҳар бир тенгдошим ўзини ҳақли равишда ғолиб санайди, — дейди Бухоро шаҳридаги компьютер ва ахборот технологиялари академик лицейи ўқувчиси Отабек Фуломов. — Сабаби юртимизда ёшлар иқтидорини аниқлашга қаратилган барча ижодий танловлар янада фаол ва қатъиятли бўлишга, аниқ мақсад сари интилишга, бор билим ва иқтидоримизни Ватан равнақи, эл-юртимиз тинчлиги, ободлиги, фаровонлиги йўлида сарфлашга руҳлантиришмоқда.

Тадбирда турли номинациялар бўйича ғолиб бўлган ёшларнинг лойиҳалари тақдими бўлиб ўтди. Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Назokat Усмонова, ЎзА мухбири**

## ХАЛАФ БУ ДХХАИР: ЎЗБЕКИСТОН — ОСИЁ ГАВҲАРИ

— Ўзбекистон билан Кувайт ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётганини алоҳида таъкидлашни истардим, — деди Халаф Бу Дххаир. — Чунки икки томонлама алоқаларимиз ўзаро ишонч, дўстлик ва ҳурмат асосига қурилган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликда кўплаб соҳаларда сезиларли ютуқларга эришмоқда. Тарихий ва маданий яқинлик, айниқса, ижтимоий соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун муҳим омил бўлмоқда. Мамлакатларимиз вакиллари Ўзбекистон ва Кувайтда ўтаётган турли халқаро маданият ва санъат фестивалларида фаол иштирок этаётгани бунга мисолдир.

Ўзбекистонда ижтимоий соҳадаги ислохотларни кузатар эканмиз, амалга оширилаётган ишлардан ҳайратланмасдан бўлмайди. Айниқса, мамлакатда маданиятни изчил ривожлантириш, ёш авлод орасида халқингизнинг бой тарихга эга маданий меросини асраб-авайлашга қаратилган тарғибот ва ташвиқот ишларини кўриб, ҳар қандай кишининг ҳаваси ортади.

Кувайт Ўзбекистон билан барча соҳада алоқаларни ривожлантириш тарафдоридир. Ўзаро муносабатларимиз ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар йўналишларда, айниқса, изчил мустаҳкамланмоқда. Бунда Президент Ислам Каримовнинг 2004 йилда Кувайтга расмий ташрифи чоғида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар муҳим аҳамият касб этади.

**Янги йил байрами арафасида Кувайт Давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Халаф Бу ДХХАИР Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирига мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва бу борадаги ютуқлар хусусида куйидагиларни сўзлаб берди.**

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка оид ҳужжатлар давлатлараро ва идоралараро муносабатларни, савдо-иқтисодий алоқаларни, ишбилармонларнинг бевосита ҳамкорлигини ривожлантириш учун кенг йўл очишга, ўзаро ишончли мустаҳкамлашга хизмат қилаётди.

Давлатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари ҳақида сўз юритганда, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси томонидан Ўзбекистонда турли соҳаларда, жумладан, ичимлик суви, соғлиқни сақлаш, инфратузилма, электрлаштириш каби жабҳаларда истиқболли лойиҳалар амалга оширилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Ўзбекистонни «Осиё гавҳари» деб аташларида жуда катта ҳақиқат ва ҳикмат бор. Зотан, мамлакатингизнинг ўз халқини тўғри йўлга бошловчи, давлатнинг тараққиёт йўлини белгилаб берувчи, ўз халқи ва Ватанига фидойи, дунёга таниқли, доно, узоқни кўра биладиган йўлбошчиси, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида беқиёс сазй-ҳаракатларни амалга ошираётган ишончли ҳукумати бор. Ўзбекистон халқи

ўқимишлилиги, саховати ва меҳмондўстлиги билан дунёга машҳур. Зеро, ўзбеклар — замонавий технологик тараққиёт сари интилаётган, айни пайтда ўзининг урф-одатларига доим содиқ ва олижаноб халқдир.

Мамлакатингиздаги ислохотларни кузатиб борар эканман, Ўзбекистон Республикасида Президент Ислам Каримов раҳнамолигида демократик асосларни мустаҳкамлашга, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни жадаллаштиришга, халқ фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилганга гувоҳ бўлдиман. Давлатингиз раҳбари томонидан 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилинишида ҳам ана шундай улкан эзгу мақсад, буюк интилиш мужассам. Ишончим комилки, 2013 йил ҳам олдинги йиллар каби халқингиз учун ҳақиқий фаровонлик ва ривожланиш йили бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Янги йил айёми билан чин қалбимдан табриклайман. Ватанингиз мустақиллиги абадий бўлсин. Юртингизда тинчлик ва барқарорлик мангу ҳукм сурсин.

**Мадина УМАРОВА суҳбатлашди**

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2012 йилнинг 28 декабрь кунини соат 15.00 да Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йигирма учинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига куйидаги масалалар киритилмоқда:

- Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг бўшаб қолган сайлов округларида бўлиб ўтган депутатлар сайлови якунлари тўғрисида;
- Тошкент шаҳрини 2012 йил иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришининг қутилаётган якунлари ҳамда 2013 йилда ислохотларни янада чуқурлаштиришга доир вазифалар тўғрисида;
- Тошкент шаҳрининг 2012 йилдаги маҳаллий бюджет ижроси ва 2013 йилдаги маҳаллий бюджет лойиҳаси тўғрисида;
- Тошкент шаҳри бўйича 2013 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари тўғрисида;
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Инқирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган дастурини

сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисидаги қароридан келиб чиқадиган вазифаларнинг ижросини таъминлаш борасида тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Миробод ва Чилонзор туманлари ҳокимларининг ҳисоботлари;

- Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари А.Шин ва Х.Акиловларнинг депутатлик фаолиятлари юзасидан ҳисоботлари;
- Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисида;
- Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг айрим доимий комиссиялари таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида;
- Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва унинг доимий комиссияларининг 2013 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида ва бошқа масалалар.

**XXI саҳоси**  
Барча мазбалардан олинган сўнги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги қонуннинг Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Сурхондарё вилоятларидаги ижросини ўрганиш якунлари бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.
- Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ижросини таъминлашда молия муассасаларининг ўрнига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди. Тадбирда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, банклар мижозлари учун энг қулай шароит яратиш, хизматлар турини кўпайтириш ва сифатини ошириш, аҳолининг, айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.
- Қўшқўпир туманида кўкрак беши саратонини профилактика қилиш, аниқлаш ва даволаш масалаларига бағишланган «Саломатлигингиз — ўз қўлингизда» мавзuida семинар бўлиб ўтди.
- Нурота туманида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Нурота текстиль» масъулияти чекланган жамият фаолият бошлади. Мазкур лойиҳа рўёби учун қарийб 600 миллион сўм сармоя йўналтирилди. Бунда тижорат банкнинг 144 миллион сўмлик имтиёзли кредитдан ҳам самарали фойдаланилди. Пировавардида корхонада 100 дан ортиқ иш ўринлари яратилди.
- Андижон туманидаги Ёрбоши қишлоғида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги корхона ишга туширилди.
- Toyota компанияси ўзининг автомобиллари бўйича эътирозлар туркуми оқибатида зарар кўрган америкалик автомобиль эгалари томонидан берилган суд даъвоси юзасидан келишувга эришиш доирасида 1,1 миллиард доллар тўлашга розилик берди. Тўланадиган товон пули Toyotaга шовшувли ва қимматбаҳо суд жараёнидан қутулиб қолиш имконини беради.
- Япониянинг метеорология бошқармаси хабар беришича, кеча Тинч океан тубига цунами эрта аниқлаш имконини берувчи қурилмалар ўрнатилган. 2012 йилнинг октябрида бошқарма томонидан шарққа томон Тохоку худуди қирғоғидан 320 ва 380 км узоқликда шунга ўхшаш иккита қурилма ўрнатилган эди.
- Таиланд жанубидаги Наратхиват провинциясидаги сув тошқини оқибатида 13 минг нафардан зиёд киши зарар кўрди. Сўнгги 48 соат давомида марказга ёрдам сўраб провинциянинг 13 та округи аҳолиси мурожаат қилган.
- Олимлар олиб борган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, илгари Марс сайёраси юзасининг кўп қисми сув остида бўлган. Ушбу тадқиқот Қўшма Штатларнинг Жоржия Технологик институти ходимлари томонидан ўтказилган.



**Пойтахтимизда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан демократик ўзгаришлар, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ўрнига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

**2013 йил — Обод турмуш йили**

**ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДА  
ФУҚАРОЛИК ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ**

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар фуқаролик институтлари ривожига муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Соҳага оид икки юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий

ҳужжат қабул қилинган, нодавлат нотижорат ташкилотлари сони тобора кўпайиб, қарийб олти мингтага етгани ана шу эътибор самарасидир. Жорий йилда нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан оилаларни мустаҳкамлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, ёшларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимини юксалтириш, ижтимоий шериклик муносабатларини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилинган 2013 йилда бу

йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда бу борадаги чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини кўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмағида амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан семинар-тренинг ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.

**Н.АБДУРАИМОВА,  
ЎЗА мухбири**

**Транспорт**

**ЮК ВАГОНЛАРИ СОНИ  
ОРТМОҚДА**

**Ўзбекистон темир йўллари Марказий Осийда катта салоҳиятга эга. Иқтисодий тизимнинг қон томирига айланган темирйўл тизимида асосий даромад бевосита вагонларда ташлаётган юклар ҳажмининг ортиб бориши билан боғлиқ.**

Кейинги йилларда «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат компаниясига қарашли юк ташувчи вагонлар сони ортиб бормоқда. Айни вақтда 7 мингга яқин ёпиқ вагон, икки мингга яқин платформа, 5 мингдан ортиқ ярим вагон,

яна кўплаб турли вагонлардан юк ташивида фойдаланилмоқда. Бугунги кунда вагон ҳўжалигидаги юк вагонларининг умумий сони 25202 тадан ортиқ. Бу йил яна кўшимча вагонлардан фойдаланилмоқда.

**Республикамизда кўшма корхоналарнинг тараққий топиши, кичик ва хусусий бизнеснинг ривожланиши каби ижобий жараёнлар ўз самарасини бермоқда. Буларнинг ҳаммаси темирйўллар фаолиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.**

**БУЮРТМАЛАР ВАҚТИДА  
БАЖАРИЛМОҚДА**

Тошкент товар юк саройи ҳузурида «Азиятранстелемтор» кўшма корхонасининг таркиб топиши ҳам айни муддао бўлди. Бу корхона Россияда фаолият юритаётган «Узоқ шарқ транспорт гуруҳи» компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Икки давлат ўртасида юзага келган мазкур кўшма корхонада тенг манфаатли иқтисодий шерикчилик амал қилиб келинмоқда. Улар контейнерларга озик-овқат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ортади ҳамда чет элларга жўнатади. Вагонлардан юкларни тушириб, машиналарга ортиш ишларини бажарадиган 4 та машина олиб келинган эди. Шунингдек, Россиядан — контейнерларни ташивишга мослаштирилган «Автотягач» юк машинаси ҳам харид қилинди. Асосан енгил санаят маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда хусусий фирмалар билан ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилди. «Ўзтемирйўлконтейнер» очик акциядорлик жамияти буюртмалари ҳам ўз вақтида адо этилмоқда. Дарҳақиқат, корхона томонидан маҳсулотларни экспорт ва импорт қилиш натижасида кўрилаётган даромад мамлакат иқтисодиётига ўзига яраша улуш бўлиб кўшилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Шундай экан, «Ўзтемирйўлконтейнер» корхонасининг иш суриятини юқори даражага кўтаришда кичик ва хусусий бизнесни тобора ривожлантириш ҳамда кўшма корхоналар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Ақбар АЛИЕВ**

**Тошкент автомобиль ва йўллар институтида икки кун давомида олий ва ўрта махсус таълим юртлари билан ҳамкорликда «Турдош техник ўқув муассасалари ижодкор ёшларининг биринчи слёти» анжумани ўтказилди.**

Унда Тошкент ахборот технологиялар университети, Фарғона политехника, Андижон машинасозлик, Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника, Жиззах политехника институтлари, шу билан бирга Тошкент автомобиль ва йўллар, Тошкент политехника касб-ҳўнар коллежлари, бир қанча академик лицейлар ҳамда бошқа ташкилотлар иштирок этди.

Йиғилиш иштирокчилари Тошкент автомобиль ва йўллар институтида талабаларга яратилаётган шарт-шароитлар, ўқув муассасаси қошида иш олиб бораётган клуб ва тўғрақлар йўналиши, айниқса, тадбир мезбони бўлган «Ёш автомобиль мутахассислари» ва «Тол» клублари фаолияти ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдилар.

Жумладан, анжуманда соҳа мутахассислари ва ўқитувчилар томонидан «Ўзбекистонда автомобиль саноати ривожини», «Техник фанларни ўзлаштиришда хорижий давлатлар

тажрибасини асл тилда ўрганиш методикаси», «Шахснинг ижодкорлик қобилиятини ривожлантириш услуби»,

**Олий ўқув юртларида**

**ИЖОДКОР ЁШЛАР  
АНЖУМАНИ**

«Тол» клубининг мақсад ва вазифалари, ёш мутахассисларни тарбиялаш аҳамияти мавзуларида қизиқарли маърузалар қилинди.

Айниқса, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолияти юзасидан Хусан Мўқимовнинг маърузаси кўпчилик талаба-ёшларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир иштирокчилари институт фаолияти билан яқиндан танишиш баробарида улар учун Мустақиллик

майдони, «Қатагонлар қурбони» музейи жойлашган «Шаҳидлар майдони», Алишер Навоий номидаги Мил-

лий кутубхонага саёҳат уюштирилди, Ўзбек Миллий академик драма театрида «Танҳо юлдузим» деб номланган спектаклини томоша қилишди.

— Мазкур анжумани ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, — дейди институт ректори М. Икромов, — юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнида техника таълими йўналишидаги илғор, ижодкор талабаларнинг изланишлари, меҳнати самарадорлигини оширишдир. Мазкур

**БИЗ – БУНЁДКОР  
ЁШЛАРМИЗ**

**Тошкент Фотосуратлар уйида «Биз – бунёдкор ёшларимиз, иллатларга қаршимиз!» мавзунда танлов-кўرғазма ўтказилди.**



Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган сурат

Тадбир Ўзбекистон Бадий академияси, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши, Республика Маънавият тарғибот маркази, Республика «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси каби ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси Қ.Жўраев, Ўзбекистон Бадий академияси раисининг ўринбосари Ж.Миртожиёв, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори Х.Аминов, Ўзбекистон халқ рассоми А.Мирзаев ва бошқалар ёшлар маънавиятини юксалтириш, жамиятда

соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда тасвирий санъат ва фото асарлар муҳим ўрин тутганини таъкидлади. «Биз – бунёдкор ёшларимиз, иллатларга қаршимиз!» мавзундаги кўрғазмага тақдим этилган плакатлар ана шундай асарлар сирасидандир.

Танлов-кўрғазма якунида Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн ин-

ститути талабаси Рухшона Шоалиева «Инсон ва табиат» мавзундаги туркум плакатлари учун Гран-прига лойиқ топилди. Биринчи ўрин мазкур институт талабаси Велена Сагайдақнинг «Изланиш» мавзусидаги плакатлари учун берилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва совғалар топширилди. (ЎЗА)

**Учтепа туманидаги 14-умумтаълим мактабида «Бошланғич таълим фани ойлғи» доирасида мактабнинг ижодкор, илғор ўқитувчиларидан Матлуба Ибрагимова шаҳар миқёсида очик дарс олиб борди.**

**ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ТАТБИҚ ЭТИЛАДИ**

Бу тадбирда ТШХТББ методисти Дилфуза Тошмухамедова, ТШПҚТМОИ катта ўқитувчиси Ю.Юлдашева, Учтепа ТХТМФМТТЭБ методисти Шохиста Мажидова ҳамда шаҳар мактабларидан ижодкор ўқитувчилар иштирок этдилар. Очик дарсда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда мультимедиа, кодоскоплардан кенг фойдаланилди.

Таъкидлаш жоизки, бундай очик дарсларни ўтказишдан мақсад — ўқувчилар билим самарадорлиги ва дарс сифатини ошириш, замонавий АКТлардан фойдаланиш орқали илғор иш тажрибаларини оммалаштиришдан иборат бўлиб, мутахассисларнинг айтишларича, юқоридаги дарснинг ҳам бошланғич синф ўқитувчиларининг ўзаро тажриба алмашиши борасида фойдаси катта бўлди.

**Даврон НУРМАТОВ**

соҳа йўналишидаги иқтидорли талабалар базасини тузиш, ўқув муассасалари ўртасида ўзаро тажриба алмашинувини ташкил этиш, олиб борилаётган ишлар натижасини муҳокама қилиш, ижодий ишлар натижаларини чоп этиш ҳам мақсадларини сирасига қиради. Ҳозирги кунда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги 12 та олий ўқув юрти ва 90 дан зиёд ўрта махсус ўқув юртларида автомобиль йўллари кадрларини тайёрлаш тизими йўлга қўйилган. Мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш мақсадида вазирлик томонидан амалга оширилаётган кенг қамровли ишларда замонавий таълим технологияларини такомиллаштириш ва жорий қилиш, чет тилларни мутахассисларга чуқурроқ ўргатиш ишларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Ўқув юртлари билан турдош лицей ва коллежларнинг корпоратив алоқаларини ривожлантириш — ушбу анжуманининг ташкил этилишига асос бўлди. Умид қиламизки, юртимизга малакали етуқ мутахассисларни етказиб бериш борасида бундай тадбирларнинг уюштирилиши муҳим аҳамият касб этади.

**Гулчехра ДУРДИЕВА**

**Қарор ва ижро**

**ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРИ  
САМАРАСИ**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 2012 йил инвестиция дастури доирасида амалга оширилган ишлар ва 2013 йилда бу йўналишдаги устувор вазифаларга бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.**

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари М.Ҳожибеков мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ислоҳ этишга қаратилган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва жамиятни тараққий эттиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2011 йил 28 ноябрда қабул қилинган «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим дастуруламал бўлмоқда.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шифокорларнинг малака ва маҳоратини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борадаги устувор вазифаларни амалга оширишда давлат бюджетидан ажратилаётган маблағ миқдори йилдан-йилга оширилмоқда. Масалан, 2009 йилда инвестиция дастури доирасида бу мақсадларга 9,3 миллиард сўм сарфланган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 256 миллиард сўмни ташкил этди.

2012 йилнинг 1 декабрига инвестиция дастури доирасида ажратилган маблағнинг 241,7 миллиард сўми ўзлаштирилди, пойтахтимизда ва ҳудудларда бир юз ўнта даволаш муассасаларида қурилиш ва реконструкция ишлари якунланди, деб таъкидланди йиғилишда. Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказининг кардио-жарроҳлик мажмуаси, Сурхондарё вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази, Самарқанд вилояти Булунгур тумани тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникаси ва туғруқ бўлими, Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани марказий поликлиникаси, Андижон вилояти Олтинкўл тумани тиббиёт бирлашмаси туғруқ мажмуаси каби қатор замонавий тиббиёт масканлари фойдаланишга топширилди.

Сўнгги рўсулдаги тиббий технологиялар билан жиҳозланган ушбу тиббиёт масканларида илгари даволаш имкони бўлмаган кўплаб оғир хасталикларни ўз вақтида аниқлаш ва самарали даволаш, аҳолининг барча қатламига замонавий тиббий-профилактика хизмати кўрсатишга эришилмоқда. Бундай эзгу ишлар кириб келаётган Обод турмуш йилида ҳам изчил давом эттирилади.

Матбуот анжуманида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган инвестиция дастурлари самаралари ва истиқболдаги вазифалар ҳақида маълумот берилди. Журналистлар бу борада ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди.

**Б.ХИДИРОВА**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНА  
ЯНГИ ТЕЛЕКАНАЛЛАР  
ИШГА ТУШАДИ**

**Шу йилнинг 31 декабрь кунини Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида иккита янги телеканал фаолият бошлайди. Бу каналлар «Маданият ва маърифат» ҳамда «Дунё бўйлаб» деб номланади.**

2012 йил 30 июлда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканалларини сонини ошириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли бойитиш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида»ги Қарор имзоланган эди.

Мазкур Қарорга кўра, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2013 йил телеканалларнинг ўз улушини кўпайтиришини инобатга олган ҳолда Давлат бюджетидан зарур маблағларни ажратади.

МТРК берган маълумотларга кўра, «Маданият ва маърифат» телеканалининг асосий мақсади аҳолининг маданий ва маърифий даражасини ошириш, ёш авлоднинг илмий билимлар, маданий қадриятларга бўлган қизиқишларини юксалтириш, Ўзбек халқининг бой маданий ва маърифий меросини сақлаб қолиш ва бойитишга қаратилган илмий-оммабоп теледастурларни яратиш, шу билан бирга трансляциянинг замонавий интерфасол шакллари, рақамли ва мультимедия технологиялари имкониятларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси маданий ҳаётини содир бўлаётган муҳим воқеалардан телетомошабинларни хабардор қилишдан иборат.

«Дунё бўйлаб» телеканали давлат унитар корхонаси сифатида дунёнинг етакчи телеканаллари маҳсулотларини лицензия асосида намойиш этади. Бунинг самарасида фуқаролар, айниқса ёшларнинг тарих, география, дунё мамлакатларининг замонавий ривожланиш даражаси, турли халқларнинг ўзига хос миллий анъаналари, оламшумул илмий кашфиётлар, сайёрамиздаги турли қитъалар, океан ва денгизлар табиати, ноёб наботот ва ҳайвотот олами ҳақидаги билимларини оширишга хизмат қилади. Телеканалнинг яна бир муҳим вазифаси мамлакатимиз аҳолиси ва халқаро ҳамжамиятга Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти, юртимиздаги экологик туризм имкониятлари ва ривожланиш даражаси ҳақида хабар бериш, шунингдек, Ватанимиз ҳақидаги қизиқарли илмий-оммабоп ва маърифий дастурларни тайёрлаш, лицензия асосида хорижий каналларга тарқатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва фаол дам олиш шакллари оммалаштиришдан иборат.

Янги телеканаллар дастурлари соат 19:00 дан эфирга узатила бошлайди.

**Манзура БЕКЧОНОВА,  
«Туркистон-пресс»**



# ҲАФТАЛИК

# ТЕЛЕПРОГРАММА

**Ўзбекистон**  
 5.55 Кўрсатувлар дастури.  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 7.00 «Юртим бўйлаб» дастури: «Кор ёғар, ёғар».  
 7.15 «Икким».  
 7.20 Ўзбек киноси: «Киш эртаги».  
 8.00 «Тахлилнома».  
 8.40 «Тантана»да янги йил».  
 9.25 «Зумрад ва Қиммат». М/ф.  
 9.40 «Сарҳисоб – 2012».  
 10.05 «Очиқ дастурхон».  
 10.30 «Сарҳисоб – 2012».  
 10.55 Ўзбек киноси: «Бахт уйи».  
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 13.00 «Икким».  
 13.05 «Сарҳисоб – 2012».  
 13.25 «Моҳир кўлар».  
 13.35 Миллий сериал: «Денгиздан томчи».  
 14.00 «Авборот».  
 14.15 «Корбобонинг дўсти».  
 Б/ф. Премьера.  
 16.00 «Сарҳисоб – 2012».  
 16.20 «Оқ фаршата». Б/ф.  
 17.30 «Кудиринг». Ҳажвий дастури.  
 18.15 Ўзбек киноси: «Иктидор».  
 19.25, 20.25, 20.55 Эълонлар.  
 19.30 «Йилнома» /рус/.  
 20.30 «Баркамол авлод».  
 20.45 «Сарҳисоб – 2012».  
 21.00 «Йилнома».  
 22.00 «Байрам оқшони».  
 23.40 Янги йил табриги.  
 00.05 «Байрам оқшони».  
 00.00 «Йилнома».

**Тошкент**  
 6.30 Кўрсатувлар тартиби.  
 6.35 «Кор маликаси». М/ф.  
 7.30 «Салом, Тошкент!»  
 9.00 «Саргузаштар ороли».  
 9.40 Миллий сериал: «Туйдаги томоша». 4-қисм. /Ўқунувчи/.  
 10.15 «Байрам оқшони».  
 10.25 «Умид фаршатаси». Б/ф.  
 10.50 «Санъат гунаҳлари».  
 12.00 Хинд киноси: «На сен биласан, на мен». Б/ф. 1-қисм.  
 13.00 «Салом, Тошкент!»  
 14.30 «Аёл қалби».  
 15.00 «Пойтахт». /Рус/.  
 15.40 «Нигоҳ».  
 15.45 «Байрам оқшони».  
 15.55 «Миттвийол оиласи».  
 16.25 «Фахат қизлар учун».  
 16.55 «Байрам оқшони».  
 17.05 «Нигоҳ».  
 17.10 «Ўзбегим йигитлари».  
 17.50 «Байрам оқшони».  
 18.00 «Пойтахт».  
 18.40 «Ибарат».  
 19.00 «Култу бекати».  
 19.30 «Байрам муборак».  
 20.45 «Сирли кеча. Янги йил баъми».

22.00 «Стать – ближе». Ток шоу.  
 22.55 «Орзулар ушлаган йил».  
 23.05 «Ватан шаъни».  
 23.30 «Сарҳисоб».  
 23.40 Ўзбекистон Президентининг Янги йил табриги.  
 00.00 Ўзбек спортининг зафарли оилари.  
 00.30 «Орзулар ушлаган йил».  
 00.40 «Ватан шаъни».  
 06.30 «Трое из Простоквашино».  
 «Каникулы в Простоквашино». «Зима в Простоквашино».  
 Мультфильми  
 07.20 Худ. фильм «Чародеи».  
 10.00 «Лучшие песни-2012».  
 Праздничный концерт из Государственного Кремлевского дворца  
 11.40 Худ. фильм «Карнавальная ночь»  
 13.00 Вести  
 13.20 «Короли смеха» (12+)  
 15.55 Худ. фильм «Москва слезам не верит»  
 18.25 Худ. фильм «Джентльмены удачи»  
 19.55 МУЗЫКАЛЬНОЙ КОМЕДИИ ГОДА «Красная Шапочка»  
 21.30 «Новогодний парад звезд»  
 22.55 Новогоднее обращение Президента Российской Федерации В.В. Путина  
 23.00 НОВОГОДНИЙ ГОЛБЕЙ ОГОНЕК-2013  
 03.05 Большая новогодняя дискотека. До 3.11

**Россия**  
 05.00 Худ. фильм «История любви, или Новогодний розыгрыш»  
 06.30 «Трое из Простоквашино».  
 «Каникулы в Простоквашино». «Зима в Простоквашино».  
 Мультфильми  
 07.20 Худ. фильм «Чародеи».  
 10.00 «Лучшие песни-2012».  
 Праздничный концерт из Государственного Кремлевского дворца  
 11.40 Худ. фильм «Карнавальная ночь»  
 13.00 Вести  
 13.20 «Короли смеха» (12+)  
 15.55 Худ. фильм «Москва слезам не верит»  
 18.25 Худ. фильм «Джентльмены удачи»  
 19.55 МУЗЫКАЛЬНОЙ КОМЕДИИ ГОДА «Красная Шапочка»  
 21.30 «Новогодний парад звезд»  
 22.55 Новогоднее обращение Президента Российской Федерации В.В. Путина  
 23.00 НОВОГОДНИЙ ГОЛБЕЙ ОГОНЕК-2013  
 03.05 Большая новогодняя дискотека. До 3.11

**Ўзбекистон**  
 5.55 Кўрсатувлар дастури.  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 7.00 «Дугоналар». М/ф.  
 7.10 «Кўнгли қўшиқ истайди».  
 7.15 «Зулфирза». Б/ф.  
 8.00 «Авборот».  
 8.40 «Табасум».  
 9.05 Миллий сериал: «Меҳрибоним».  
 10.15 «Икким».  
 10.20 «Байрам хазиллари».  
 10.45 Миллий сериал: «Меҳрибоним».  
 11.55 «Икким».  
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 12.50 «Кўнгли қўшиқ истайди».  
 13.00 Миллий сериал: «Меҳрибоним».  
 14.05 «Шурданак». Ҳажвий дастури.  
 14.40 «Икким».  
 14.45 «Зулфирзининг орузуси». Б/ф.  
 15.45 «Кўрқоқ бегемоти». Б/ф.  
 16.05 «Янги йил эртаги». Б/ф.  
 17.10 «Сен ёлғиз эмассан».  
 17.25 Миллий сериал: «Опа-сингиллар».  
 18.00 «Кўнгли қўшиқ истайди».  
 18.10 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».  
 18.35 «ТВ – шифокор».  
 18.40 «Доктор Хаус». Т/с.  
 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
 19.30 «Авборот» /рус/.  
 20.05 «Ой суғидаги қўш».  
 21.00 «Авборот».  
 21.40 «Юрган – дарё».  
 22.00 «Кўнгли қўшиқ истайди».  
 22.10 «Фарбий ферма». Б/ф.  
 23.55 – 00.00 «Очун».  
 00.00 Кўрсатувлар дастури.  
 00.05 «Байрам хазиллари».  
 00.30 «Юртим бўйлаб» дастури: «Юнус Ражабий».  
 1.00 «Авборот» /рус/.  
 8.30 «Индуба». Т/с.  
 2.20 «Икким».  
 2.25 «Зулфирза». Б/ф.  
 3.10 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 4.00 «Авборот».  
 4.40 Миллий сериал: «Опа-сингиллар».  
 5.15 «Табасум».  
 5.35 – 5.55 «Очун».

**Россия**  
 05.00 Худ. фильм «История любви, или Новогодний розыгрыш»  
 06.30 «Трое из Простоквашино».  
 «Каникулы в Простоквашино». «Зима в Простоквашино».  
 Мультфильми  
 07.20 Худ. фильм «Чародеи».  
 10.00 «Лучшие песни-2012».  
 Праздничный концерт из Государственного Кремлевского дворца  
 11.40 Худ. фильм «Карнавальная ночь»  
 13.00 Вести  
 13.20 «Короли смеха» (12+)  
 15.55 Худ. фильм «Москва слезам не верит»  
 18.25 Худ. фильм «Джентльмены удачи»  
 19.55 МУЗЫКАЛЬНОЙ КОМЕДИИ ГОДА «Красная Шапочка»  
 21.30 «Новогодний парад звезд»  
 22.55 Новогоднее обращение Президента Российской Федерации В.В. Путина  
 23.00 НОВОГОДНИЙ ГОЛБЕЙ ОГОНЕК-2013  
 03.05 Большая новогодняя дискотека. До 3.11

**Ўзбекистон**  
 5.55 Кўрсатувлар дастури.  
 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 7.00 «Дугоналар». М/ф.  
 7.10 «Кўнгли қўшиқ истайди».  
 7.15 «Зулфирза». Б/ф.  
 8.00 «Авборот».  
 8.40 «Табасум».  
 9.05 Миллий сериал: «Меҳрибоним».  
 10.15 «Икким».  
 10.20 «Байрам хазиллари».  
 10.45 Миллий сериал: «Меҳрибоним».  
 11.55 «Икким».  
 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»  
 12.50 «Кўнгли қўшиқ истайди».  
 13.00 Миллий сериал: «Меҳрибоним».  
 14.05 «Шурданак». Ҳажвий дастури.  
 14.40 «Икким».  
 14.45 «Зулфирзининг орузуси». Б/ф.  
 15.45 «Кўрқоқ бегемоти». Б/ф.  
 16.05 «Янги йил эртаги». Б/ф.  
 17.10 «Сен ёлғиз эмассан».  
 17.25 Миллий сериал: «Опа-сингиллар».  
 18.00 «Кўнгли қўшиқ истайди».  
 18.10 «Эртақлар – яхшиликка етаклар».  
 18.35 «ТВ – шифокор».  
 18.40 «Доктор Хаус». Т/с.  
 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
 19.30 «Авборот» /рус/.  
 20.05 «Ой суғидаги қўш».  
 21.00 «Авборот».  
 21.40 «Юрган – дарё».  
